

ЖАЛҚ СҮЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ОБУНА — 98

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

11 ноябрь, сешанба, 1997 йил
Сотувда эркин нархда. № 230 (1747)

КҮНГИЛ ОЙНАСИ

Тўғриси, муболага эмас, ҳар биримиз газетда ҳам ўз кўнглимизни «кўргимиз» келади. Бу табиий. Чунки у (газета-журнал) хоҳ катта, хоҳ кичик нусха ё ҳажмда бўлмасин, барибир газетхон саҳифалардан ўзини излайди. Гоҳ топади, гоҳ...
Шу боис ҳам кадрли муштарий, бугун сиз билан бир дардлашмоқни ният қилдик.

Майлумки, газеталар халқ учун чиқарилади. Журналистлар бамисоли боларидай ҳаётдан фактлар, янгиликлар, маълумот-ахборотлар тўплайди, турмушда мажбул воқеа-ҳодисалар, масалаларни ўз мақолаларида кўтардилар, мушоҳада юритдилар. Мақсадимиз битта, у ҳам бўлса эзгулик. Зора ёганларимиз халққа етса, уларнинг ўй-хаёлини бироз ёритса, элимизни ҳозирги воқелик устида ўйлашга, фикрлашга ундаса, дейимиз. «Фикрлашман, дедим яшашман» деган экан улуг файласуфлардан бири. Фикр-мушоҳада, онгли яшашдан — ҳаёт гуллайдиган, равнақ топади. Журналистларимиз, қолверса газета-журналистлар халқ тафаккурини тарбиялаш орқали ана шундай улуг ишга хизмат қилади.

Хуллас, эзу ниятлар билан вақтни маълумот нашрлари ҳам кўнглига йўл олади. Лекин, афсуски, кейинги йилларда уларнинг аҳоли орасида кам тарқалиши қийини ташвишлантиради. Масалан, биргина «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ҳуусида таърихчилар бўлса, уларнинг ўқувчилари республикадаги умумий аҳоли сонининг атиги 0,18 фоизни ташкил этаётти. Ҳолбуки, жаҳон таърихчиларидан маълумки, ҳар қандай газета тиражи умумий аҳоли сонининг камида 2 фоизини қамраб олувсагина ўзини оқлайди. Агар у 4 фоизга чиқса, матбуот оидин йўлга қиради.

Хуллас, бизнинг газеталаримиз 0,18 фоиз бўлса, бошқа газета ва журналларимиз бундан ҳам камроқ тарқалмоқда.

Газеталаримизнинг шундай йўл-йўналишини қадрлаб уларни такомиллаштириш борасида бизга кўмаклашиб, хайрихоҳлик кўрсатиб келаётган муштарийларимиздан биз миннатдоримиз ва ишончимизки, бу йилги обуна палласида ҳам улар биз билан ҳаммаслақ, ҳаммаги ва ишончли дўст бўлиб қолаверадилар.


Тўғри, бундай аҳолининг жиддий сабаблари йўқ эмас. Масалан, ҳозирги бозор иқтисоди шариоти, нарх-наволардаги эркинлик матбуот нашрлари таннаригининг кўтарилишига сабаб бўлди. Бундай ҳол эса одамларнинг ўз ҳамён имкониятларини қайта-қайта ҳисоб-китобдан ўтказиб, кейин обуна тўғрисида ўйлашларига олиб келаётти. Шунинг оқибатидан бўлса керак, масалан, бугун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари умумий тиражнинг атиги 20 фоизига яқна обуначилар томонидан олинмоқда.

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги раҳбарлар ва депутатлар зиммасига тарих гоянда оғир, аммо шарафли вазифаларни юкляди. Биз, таъбир жоиз бўлса, «ўтиш даври» ни бошдан кечираётимиз. Яъни мустақил Ўзбекистон ўз қамолотининг юксак босқичига — ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамияти даражасига кўтарилиш сари интиломоқда. Бундай олий тамойилларга асосланган давлат ва жамият осмондан тушмайди, уни заманда биз ўз кучимиз, ақл-идроқимиз ва меҳнатимиз билан бунёдга келтиришимиз лозим. Ҳозирги амалга оширилган барча ислохотлар, ўзгариш ва янгиликлар шу улуг жараҳнинг қонуний халқлари, босқичларидир.

Шуни айтишимиз керакки, жойларда янги давлатчилик ва янги жамият асосларини шакллантириш, энг аввало, раҳбарларимиз ва депутатларимизнинг ташкилотчилик ҳамда ташаббускорона фаолиятига кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу мураккаб йўлда улар дуч келадиган «Нима қилмоқ керак?» деган саволга жавобни газеталаримиз саҳифаларида мунтазам бериб берилаётган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Олий Мажлис томонидан ишлаб чиқарилаётган Қонунлар ва ҳукуматнинг томонидан қабул қилинаётган Қарорлар ҳамда Фармойишлардан топшилади, албатта.

Ҳолбуки, бизга маълум бўлишича, жойлардаги раҳбарлар ва депутатларнинг матбуот билан шугулланишига анча лоқайд қараётганлиги аён бўлаётти. Республикада — мамлакат, вилоятлар, туманлар миқёсидаги депутатлар сон 7000 дан ортади. Бироқ, масалан, Ўзбекистон, Қоғон, Учкў, Қоракў, Булунгур туманларида бирон нусха ҳам «Народное слово» газетасини олиб ўқшмайди. Энди савол туғилади. Наҳотки, бу туманларда раҳбарлар ва депутатлар бўлмаса? Бор, албатта. Лекин улар «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарини ўқшаша ҳақсалари йўқ, шекилли.

Тўрақўрғон туманида жойлашган трактор таъмирловчи «Оҳангар» акционерлик жамияти корхонасида 325 нафар ишчи ишлайди. Яқинда бу ерда янги теннис корти қуриляб, спорт инвентарлари билан жиҳозланди. Умуман, корхона туман ва вилоятда спортни ривожлантириш учун 1 миллион 450 минг сўм сарфлади.



Тўрақўрғон туманида жойлашган трактор таъмирловчи «Оҳангар» акционерлик жамияти корхонасида 325 нафар ишчи ишлайди. Яқинда бу ерда янги теннис корти қуриляб, спорт инвентарлари билан жиҳозланди. Умуман, корхона туман ва вилоятда спортни ривожлантириш учун 1 миллион 450 минг сўм сарфлади.

КОМИССИЯ ЙИФИЛИШИ

8 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида республика Пул-кредит сисъати комиссиясининг навбатдаги кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар пул-кредит сисъати комиссиялари раислари иштирок этди. Мажлисни республика Пул-кредит сисъати комиссиясининг раиси — Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Мулложаев бошқарди.

хоро вилояти ҳоқими ўринбосари Ф. Тўхтаев, Наманган вилояти ҳоқими ўринбосари И. Нажмиддинов, Сурхондарё вилояти ҳоқими ўринбосари А. Аҳмедов ва Фарғона вилояти ҳоқими ўринбосари Ҳ. Ҳайдаров иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида берилишини таъминлаш борасида жойларда амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот бердилар.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилнинг 4-чорагида нақд пул эмиссияси даражаси кўрсаткичлари ва касса режаси тўғрисида» 1997 йил 3 октябрдаги 466-сонли қарорининг жорий йилнинг октябр ойидаги ижроси, айрим корхона ва ташкилотларда иш ҳақи базавий фонди даражаси ҳамда валютани тартибга солишга доир масалалар муҳокама этилди.

Шунингдек, октябр ойида касса режаси республикамиз бўйича 21,2 фоиз ёки 4,3 миллиард сўм ошириб бажарилди. У Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг барча шаҳар ва туманларида бажарилди. Ушбу кўрсаткич фақат Қашқадар вилоятининг Муборак туманида бажарилмай қолди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари Қ. Дўсимбоев, Жиззах вилояти ҳоқими ўринбосари Б. Узоқов ҳамда Навоий вилояти ҳоқимининг ўринбосари — худудий пул-кредит сисъати комиссиясининг раиси А. Ҳалимовнинг жойларда нақд пул эмиссиясини қисқартриш борасида қилинган ишлар ҳақидаги ҳисоботлари тингланди.

Шунингдек, мажлисида республика пул-кредит сисъати комиссияси аъзолари М. Нурмурадov, Қ. Тошматов ва А. Раҳмоновнинг кўриб чиқилган масалалар юзасидан ҳисоботлари тингланди.

Ташкиллангани, жорий йилнинг январь-октябр ойлари якуни бўйича касса режаси ва эмиссия даражаси кўрсаткичлари умуман мамлакатимиз миқёсида бажарилди.

Шунингдек, мажлисида худудий пул-кредит сисъати комиссиялари раислари — Андижон вилояти ҳоқими ўринбосари А. Тешабоев, Бу-

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

11 ноябрь кuni пойтахтдаги «Ўзбекистонмарказ» да «КонсумерЭкспо Ўзбекистон-97» учинчи халқаро кўргазмаси очилди. Шу муносабат билан мажбур Марказда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 11 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун ҳоржий валюталарнинг сўмага нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австрали доллар	54,24	1 Канада доллар	55,32	1 Франция франки	13,59
1 Австрали шиллинги	6,47	1 Голландия гулдени	40,37	1 Швейцария франки	10,44
1 Англия фунт стерлинги	131,36	1 Германия маркаси	2,88	1 ЭКЮ	90,11
1 Бельгия франки	22,06	1 Дания кронаси	11,96	1 Жапония йени	0,78
1 Германия гулдени	40,37	1 БАА дирҳами	21,22	10 Япония йени	6,29
1 Италия лираси	2,00	1 АКШ доллари	77,95	1000 Россия рубли	13,23
1 Канада доллар	55,32	1 Миср фунти	22,99	1 Украина гривнаси	41,57
1 Кувейт динари	257,22	1 Иранли фунти	117,86	1000 Беларусь рубли	2,67
1000 Ливан фунти	5,11	1 Исландия фунти	1,10	1 Эстония кронаси	5,69
1 Малайзия ринггити	23,53	1 Исландия кронаси	1,10	1 Ливан лири	134,63
1 Норвегия кронаси	45,50	10 Испания песети	5,39	1 Ливан лири	19,49
1 Португалия эскудо	4,46	1000 Туркия лираси	0,42	1 Қўзғистон тенгеси	1,03
1 Сингапур доллари	49,59	1 Финляндия маркаси	15,11	1 Қўзғистон соми	4,59
1000 Туркия лираси	0,42				
1 Швейцария франки	10,44				
1000 Туркия лираси	0,42				
100 Италия лираси	4,64				

ТЕБРАНАДИ СОАТ КАПГИРИ «ХАЛҚ СҮЗИ»МИ?

ИСЛОМ, НУРСУЛТОН, АСҚАР... НАЗАРОВЛАР

— 1994 йилда қизилтепалик Арслон Назаров ва Ҳамиди Турсунваллар оиласида уч ўғил туғилганди, — дейди телефанда навоийлик жамоатчи муҳбиримиз Парда Жумаев. — Уларнинг исми уч мамлакат Президентлари номига Ислам, Нурсултон, Асқар деб аташганди.

ХҲЖАКЕНТМИ, ДАЧАКЕНТ?

Ўз мактубига шундай сарлавҳа қўйган Азиз Эргаш ўғли Хўжакентнинг тарихи ва бугуни ҳақида қайғуриб ётади. Узоқ-Чотқоқ дарёлари кўйлиши ерида жойлашган бу қишлоқнинг табиати нҳоятда гўзал. 1960 йили тоғ сурилиши натижасида Хўжакентликлар ўз турар-жойларини бир қадар ўзгартирди. Шу тўғрисида бу жойларни қишлоқ аҳли хотира боғи сифатида ободлаштиришмоқчи эди. Аммо туман ва вилоят раҳбарлари бу жойни дала ҳовли қуриш учун шаҳарликларга тарқатиб юборди. Табиат яратган чиройи ҳисобга олмай, пала-партиш қурилган дала ҳовлилар шунчалик кўпайиб кетдики, бу қишлоқ хуснида доғ бўлиб тушмоқда.

МУҲАНДИСНИНГ ШОХИ БОР

Мен Мирзо Улуғбек тумани Г. Петров (Ким у? — тах.) 2-кўчаси 1-уйда яшайман. Қуёри ёриганлиги тўғрисида уйимизнинг ёнида 3 та кўдудан бир ойдан буён сув тошиб ётибди. Энг ёмони, сув тўти қааатли унинг пойдеворида ҳам оқаяпти. Унинг қўшиб қолиш хавфи бор. Биз сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Азимова учрашдик. У бош муҳандис Б. Аҳмаджонова кўрсатма берди. Аммо ҳанузгача ундан дарак йўқ. Ё кўдуд-кўдудқа тушиб кетдимикан? Биз ҳам кўдудқа тикилиб «Муҳандиснинг шохи бор» дейишдан бошқа иложимиз қолмай-ё...
И. ИСМОИЛОВ.

...ДАН ГАПИРАМИЗ!

«ОЗОДЛИК»: КЛИНТОН ТОШКЕНТГА КЕЛАДИ

Американинг биринчи хонами Хиллари Клинтоннинг ақил қуларда Ўзбекистонга келиши қутимлоқда. У ҳозир Қозғистонда. Сўнгра Бишкекда мамлакат Президентига ва унинг рафиқаси билан учрашди. Хиллари хонимнинг қадимий Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида бўлиши ҳам қутимлоқда. Марказий Осиё сафаридан кейин Хиллари хоним МДХнинг бошқа мамлакатларига жўнаб кетади.

ЭЪТИРОФ

«ЗЕЕР ГУТ» - ЗҮР!

Жиззахга таширф буорган немис тадбиркорлари, айниқса, «Мир - Улуғбек - МА» хусусий ишлаб чиқариш-савдо фирмасининг махсусотлари ёқиб қолди, — деб ёзди муҳбиримиз Ҳ. Набиров. — Бу ерда «Тирпа» Молдова-Италия қўшма корхонасининг дастгоҳлари ўрнатилган бўлиб, улар ёрдамида турли ҳажмда эркаклар ва аёллар, болалар қалишари ишлаб чиқариламоқда. Махсусот сифати бўлганлиги тўғрисида вилоятдаги харидорлардан ортомаяпти. Четдан тушаётган буюртмалар эса бехисоб. Шунинг ҳисобга олиб, маъмурият корхонани кенгайтириш чораларини қўралапти.

Фирма жамоаси германиялик тадбиркорлар делегацияси раҳбари, Шарқий ва Марказий Европа иттифоқи бошқаруви раиси, женоб Ульрих Дичга ўзбек калитини совға қилишди.

— Миллий оёқ кийими менга жуда ёқди, «зеер гут» — зўр! — деди меҳмон. — У кийиб-ечинга жуда қулай экан.

Немис тадбиркорларининг таширфи уларнинг мушуқлини осон қилди: меҳмонлар худди ўш хонамизни етказиб бериш бўйича шартномани имзоладилар.

ГАЗЕТА САҲИФАЛАНАЁТГАНДА:

ОБУНА УЧУН ҲАШАР

Ўтган ҳафта шанба кuni хоразмликлар шанбалликка чиқиди. Шанбалликдан тушган маблағнинг 50 фоизи матбуотни қўллаб-қувватлаш ва демократлаштириш фондига, яъни эса маҳаллий газеталар обунаси учун шаҳар ва туман ҳоқимликлари истиёрига ўтказилди.

Бу хайрли ташаббуснинг якуналарини билиш мақсадида Хоразм вилояти ҳоқимлиги ижтимоий масалалар мажмуининг етакчи мутахассиси Сотим Авазга сўм қўқиди.

— Ҳозиргача 100 минг сўмдан ортиқ маблағ тўпланди, — деди у. — Насиб қилса, бу йил ҳар бир хоразмлик хонадонига «Халқ сўзи» кириб боради.

«Соат капгири»ни ЖУШҚИН қузатди.

ТАХЛИЛ

Шу йилнинг 23 октябрь куни Молдова пойтахти -- Кишинёвда ўтган МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлиси Хамдўстлик даражасидаги ўзаро муносабатларга яна бир қарра оидинлик киритиш йўлида муҳим аҳамият касб этди. Олий даражадаги ушбу учрашувда, ҳусусан, МДХ ҳозирги шаклда ўз амалий аҳамиятини йўқотиб бораётгани, унинг тобора алоҳида блокларга бўлиниб кетаётгани билан боғлиқ фикрлар юзасидан ҳар бир давлат ўз нуқтаи назарини баён этиш имкониятига эга бўлди.

ХАМДЎСТЛИК ТАРКИБИДАГИ ОКМИЛАР

Конфуций айтдики, эскиликни ўзлаштириб олган ва янгиликни англашга қобил кишигина йўлбошчилик шарафига муносибдир. На салкам юз йиллик коммунистик тарихдан ибратли хулоса чиқармаган ва на янги давр имкониятларининг мазмун-моҳиятини тўла тушуниб етмаган айрим сиёсатдонлар айби билан кейинги пайтларда Хамдўстлик бирдамлигига пугур етмоқда. Азалий дўстлик қандайдир «чуқур интеграция»лар гоёларини «опичлаб» жонҳалок югурётган баъзи бир «чопагон»ларнинг оёқлари остида топтаётган. Молдова пойтахтида бўлган музокараларда Хамдўстлик таркибида турли иттифоқлар тузиш билан сохта обрў ортириш йўлида куйиб-пишаётган сиёсатдонларнинг бундай сабъ-қаракатлари республикалар ўртасидаги муносабатларни мустақамлашга хизмат қилмаслиги ва аксинча, улар орасидаги ўзаро тенглик ва дўстлик тамойилларига хилоф эканлиги алоҳида қайд этилди.

Юртбошимиз Ислон Каримов Кишинёв учрашуви олдидан журналистлар билан мулоқотида таъкидлаганидек, бугунги кунда МДХ таркибида асосан учта оқим мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар қайсиси ўз доҳиларию мафкурасига эга ҳамда муайян сиёсий кучларга таянади.

Ана шу йўналишларнинг биринчиси -- бундан бир ярим йил илгари Россия ва Беларусь давлатлари ўртасида тузилган «иккилар» иттифоқидир. Сир эмаски, бу тузилманинг ташкил қилиниши, аввало, буюк давлатчилик, коммунистик ва сохта ватанпарвар кучларнинг муайян мақсадларига жавоб беришни кўзда тутиди. «Иккилар» иттифоқи, аслида, МДХнинг айрим мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий аҳволнинг қийинлашгани ва шу муносабат билан баъзи сиёсий дарварларда ўтмишни қўмсаб кайфияти кучайиб бораётганидан унумли фойдаланиб, собиқ империяни қайта тиклаш йўлидаги уринишлар, дейишмоқда дунёнинг нуфузли сиёсатчилари.

Шўро иттифоқининг парчалашиб кетиши республикаларда япи аччи маҳсулот ҳажмининг 30-40 фоиз камайишига сабаб бўлгани ҳақида қулоққа чалинаётган «иқтисодий ҳисоб-китоблар» табиий равишда муайян гоёларга қизам қилади. Айтганимиз, эски тузум даврида ҳар қайси республиканинг вазифаси белгилаб берилган, яъни ҳамма нарса умумиттифоқ меҳнат тақсими асосида тоқсаларга қўйиб чиқилган эди. Жумладан, Беларусь Шўро «корхонасининг» йиғув чеги ҳисобланарди. Ҳар бир республика, ҳаттоки, Россиянинг тенг ярми ана шу «чеҳ» учун ишлагани эвазига Беларусь замонавий тракторлар, машиналар, турли хил дастгоҳ-ускуналар ишлаб чиқарар ва табиийки, янги, тайёр товарлар нархидан тегишлича манфаат кўрар эди. Аммо, бу -- эски тузумда ҳаммамининг аҳволининг ёмон эмасди, деб умум номидан хулоса чиқаришга асос бўлмастлиги лозим. Бу -- мултоқло юзакли фикр. Қолаверса, ҳозирда қилмларид ҳоҳлаётгандек, «ма -- санга, ҳа -- санга» қабилдаги меҳнат тақсимида қайтиш мамлакатларимиз интиляётган янгиҳа иқтисодиёт қондаларига сира мос эмас. Шу ўринда таъкидлашимиз керак: Ўзбекистон Президентининг бу ҳақдаги фикри олдидан аниқ бугунги иқтисодиётда бозор муносабатлари амал қилиши керак. Бунинг учун эса маъмурий-буйруқ-бозлик тизимидан, вазифаларни марказдан тақсимлаш тартибидан бутунлай воз кечиш лозим.

Хамдўстлик доирасидаги иккинчи йўналиш -- «тўртлар» шартномасини имзолаган Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Беларусь давлатлари иттифоқидир. Ажаблалариси шундаки, мазкур иттифоқ етакчилари «халқлараралик» бобида ўз даврида «бутун дунё пролетарлари» «ғамини еган» арборлардан ҳам ўтиб тушмоқдалар. Улар ўз халқининг фаровонлиги, миллатининг мустақиллиги, мамлакатининг раванки бир ёнда қолиб, бутун Хамдўстлик ҳудудлиги халқлар тақдирини, юртлар келажиги учун «қайғурчи»ни касб

этанлар. Ва бу йўлда таклиф этган «Евроосиё», «Конфедерация», «чуқурлашган интеграция» каби «ташаббус»лари МДХ давлатлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқчилик тамойилларига зид экани, ҳаттоки, Хамдўстлик тузилмасининг руҳию мантйига ҳам мос эмаслиги парволарига келмайди.

Ўзбекистон раҳбарининг эътирофи эътиҳа, мадомики, МДХ тизими талабга жавоб бераётган экан, албатта, уни такомиллаштириш, ислоҳ қилиш керак. Бунинг учун эса кўп йиллик синашга механизми барбод этиб, ўрнига халқро амалиётда синовдан ўтмаган қандайдир иттифоқлар ёҳуд давлатларро тузилмалар тузиш, иборали қилиб айтганда, қайтадан велосипед ихтиро қилиш мултоқло шарт эмас. Бу, аввало, одамларнинг диққатини жалғитиши билан зарарлидир. Чунки, Хамдўстликнинг олти-етти йиллик фаолиятига чеҳ қўйиб, қутилмаганда бошқача бирлашувлар турларини жорий этиш МДХ истиқболига ишонган миллионлаб кишиларнинг ҳафсаласини пир қилади.

қишларида қайта-қайта ургу берилганидек, Хамдўстликда ихтиёрли қатнашиш, ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқчилик ҳамкорлик, МДХга аъзо давлатларнинг хавфсизлиги таъминоти, уларнинг мустақиллиги ва ҳудудий бутунлиги, бу мамлакатларга дунёнинг очкилиги, ўзаро интеграция жараёнида ҳар бир давлатнинг миллий манфаатларини эътиборга олиш каби қатор муҳим омилиларга амал қилн талабга жавоб бераётган экан, албатта, уни такомиллаштириш, ислоҳ қилиш керак. Бунинг учун эса кўп йиллик синашга механизми барбод этиб, ўрнига халқро амалиётда синовдан ўтмаган қандайдир иттифоқлар ёҳуд давлатларро тузилмалар тузиш, иборали қилиб айтганда, қайтадан велосипед ихтиро қилиш мултоқло шарт эмас. Бу, аввало, одамларнинг диққатини жалғитиши билан зарарлидир. Чунки, Хамдўстликнинг олти-етти йиллик фаолиятига чеҳ қўйиб, қутилмаганда бошқача бирлашувлар турларини жорий этиш МДХ истиқболига ишонган миллионлаб кишиларнинг ҳафсаласини пир қилади.

«ТАШАББУС»ЛАРНИНГ МИСИ ЧИҚАЙМИ?...

Бундан бир ярим йил илгари МДХга аъзо давлатларга тўғри ҳаҳон тажрибаларига асосланган интеграция бўйича сабоқ сифатида имзолаган «чуқур интеграциявий» шартномаларнинг асл моҳиятини Россия Президенти Борис Ельцин бошчилигидаги демократик кучлар ниҳоят тушуниб етганга ўхшайди. Ҳар ҳолда, шу кунларда оммавий аҳборот воситалари Россиянинг сўл муҳолифатчилари билан Беларусь Президенти Александр Лукашенко ўрта-

МУСТАҚИЛЛИК ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАН фақат шу йўлгина МДХ истиқболини таъминлайди

Ваҳоланки, давлатларро муносабатларнинг дунё тан олган муайян шакллари, турлари мавжуд. Булар -- 1. Унитар давлат (собиқ СССР сингари). 2. Федерация. 3. Конфедерация. 4. Хамдўстлик (МДХ мисолида). Янги иттифоқлар, давлатларро бирлашмалар ҳақида гап борганда жаҳон амалиётида маълум ҳамда машҳур ана шу тўрт хил муносабатдан қайси бири назарда тутилганлигини аниқ тасаввур қилиш мақбулдир. Масалан, биз таллаган Хамдўстлик -- давлатларро муносабатнинг тўртинчи тури сифатида ўзининг муайян жиҳатларига эга. Хамдўстликнинг барча тузилмалари ана шу хос жиҳатлар -- ўлчам ва қоидалар асосида барпо этилган.

Энг ёмони, ҳар иккала иттифоқ «муаллиф»лари ҳам «ягона ва аҳил халқлар оиласи»ни тиклаш мавжуд қийинчиликларни тез ва осон ҳал этиш имконини беради, деган ноқис гоани илгари суралдилар. «Ташаббус»ларнинг назариде, улар таклиф этаятган бундай «интеграция» ягона наҳот йўли бўлиб кўринади. Улар шу йўл билан сиёсий обрў топишга, аини пайтда, шу йўл билан мамлакатлари ичкарисида ечимини кутаётган ҳақиқий муаммолар олдидеги оғирликларини яширишга интилядилар.

Ҳа, ўзаро алоқаларимизни тиклашимиз керак, албатта. Мамлакатимиз Президентини қайд этиб ўтганидек, аввало, республикаларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликка халал бераётган, ўзаро эркин савдо-сотиқни қийинлаштиряётган қўшма-қўшма қўйимат солиғи, боҳжона тўловлари сингари тўсиқларни биргалликда бартараф этишимиз зарур. Илло, бизнинг ҳамкорлик жаҳдасидаги ягона йўлимиз -- иқтисодий интеграция йўлидан бориришдир.

Хамдўстликнинг учинчи йўналишини таллаган мамлакатлар оғир ижтимоий-иқтисодий аҳволдан қутулиш ва тараққиёт қилити ҳар қайси мустақил давлатнинг, халқнинг ўз қўлида -- ўз имкониятларидан нечоғлик оқилона фойдалана олишидир, деб ҳисоблайди. Бу йўналиш давлатларнинг эътирофиҳа, ҳар бир мамлакат ўз иқтисодиётини барқарорлаштириши, уни юксалтиришида миллатнинг оруз-интилишлари, халқнинг салоҳияти ва жаҳон таҳрибасига таямоғи лозим. Ушбу давлатларнинг аксарияти «МДХ мамлакатларининг чуқур интеграцияси» деб аталмиш гоа асосига тузилган иттифоқларни раф этади. Жумладан, Кишинёв учрашувида ҳам бундай «чопагон» давлатлар ташкил этаятган тузилмалар Хамдўстлик доирасидаги истиқлолга эришган мамлакатлар мустақиллигида жиддий хавф солиши баробарида, иқтисодий интеграция манфаатларига, халқларнинг табиий яқинлашув жараёнларига зарар етказиши тўғрисида қатъиятли фикрлар билдирилди.

Ана шундай қатъий фикрдаги мамлакатлардан бири ҳисобланган Ўзбекистоннинг интеграциявий жараёнларга муносабати, айниқса, эътиборга сазовордир. Ҳусусан, юртбошимизнинг бу мавзудаги чи-

сида мустақамламини бораётган бирозларлик алоқаларидан Борис Ельцин қатъий норози экани ҳақида хабар тарқатмоқдалар.

Умуман, «ўрда билан топишган ҳўрознинг катагини сув босар», деганларидек, «иттифоқ»дошлар хўрмача қилиқлари билан Россиянинг кўзини мошдек очиб қўймоқда. Дейлик, Беларусь Россия жамоатчилик телевидениеси муҳбири Павел Шереметини ҳибсга олиб «шаккоқлик» қилган бўлса, «тўртлар» шартномасини имзолаган Қирғизистон улар ўртасидаги Боҳжона иттифоқи талабларига хилоф равишда Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) билан ҳамкорликка интильмоқда.

Дарвоқе, «Независимая газета» (7.10.1997)нинг қайд этилиҳа, Боҳжона иттифоқининг бугунги кундаги манғиқисиллиги яқинда Россия ва Қозоғистон делегациялари раҳбарлари (В. Черномырдин ва Н. Назарбаев) томонидан илк бор ошқорга тан олинди. Уларнинг учрашуви чоғида, шунингдек, чегарани қўриқлаш масалалари бўйича ягона бир фикрга келинмади. Қозоғистон бошчи ҳамкорлик ҳужжатларини имзолашни рад этиб, Россия ҳукуматини эсанкиратиб қўйди.

Кисқасини айтганда, Москва билан Минск, Алматы билан Москва орасига тушган «совуқчилик» кейинги пайтларда янада кучаймоқда. Шундай экан, савол туғилиши табиий -- ҳўш, бундай ноиттифоқ иттифоқлар кимга керак?..

«ХўЖАМ ДЕБ, ХўРЖУНИМДАН АЙРИЛДИМ»

Бугун «иккилар» иттифоқи ва «тўртлар» иттифоқига аъзо давлатлар ўртасида тез-тез норозиликлар чиқиб турнишга туртки бўлаётган ўзаро «иқтисодий даъво»ларни эшитганда, беихтиёр ана шу мақол ёлға тушади.

Маълумки, Россия «иккилар» иттифоқига кириши муносабати билан Беларусьга ваъда қилинган 500 миллиард рубллик кредитнинг ҳозиргача атиги 68 миллиардини бериш билан қийофлашиб турибди. Зотан, бировнинг аравасини тортиш, ҳаттоки, Россиядек қудратли ва бепоён мамлакатга, унинг солиқ тўловчи кўп миллионли халқига ҳам оғирлик қилмоқда. Россияни «соғин ситир» ўрнида кўриш иштиёқидеги айрим сиёсатдонлар эса бунини тушунимайдилар ёки тушуниши истамайдилар. Президент Лукашенконинг айтишиҳа, Россия бугунги кунда Беларусь олдида қатта қарзга ботган бўлиб, ушбу қарз миқдори йилига 800 миллион долларни ташкил этади. Шунингдек, Бойқўнғир мажмуидан фойдаланганлик учун тўловлар бўйича Россиянинг Қозоғистон олдидаги қарзи 450 миллион доллардан ортиб кетгани ва бу миқдор тобора ўсиб бораётгани ҳам кўп эслатиьмоқда. Ўз навбатида, иттифоқдошларнинг ҳам Россиядан анча-мунча қарзлари бор экан, Айтганимиз, Беларусьнинг боҳжона тўловлари бўйича Россиядан қарзи шу йилнинг 1 октябригача бўлган ҳисоб-китобларга қўра, 47 мил-

лион долларга етган.

МДХ Давлатларро иқтисодий қўмитасининг маълумотларига қараганда, мазкур мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи тобора излан чиқиб бормоқда. Қизиги шундаки, Ўзбекистон, Озарбайжон, Грузия каби мамлакатларда 1996 йилда сармоё салмоғи 1995 йилга нисбатан сезиларли даражада ортган бир пайтда, бу кўрсаткич «чуқур интеграция» йўлини танлаган давлатлар -- Қозоғистонда 35 фоиз, Россияда 18 фоиз, Беларусда 10 фоиз пасайгани кузатилди. Инвестициявий фаолиятнинг бундай сустлиги эса иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаларига янги қувватлар киритишга салбий таъсир қилмай қолмади. Дейлик, Қозоғистонда кўмир қазиб олиш, Беларусьда металл қирқадиган дастгоҳлар тайёрлаш, Қирғизистонда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бўйича жаҳдаларга 1991 йилдан бунён ҳеч қанча сармоё жалб этилмай келинаётир.

Бу ҳол, вазифаларни оқоридан белгилаб беришдек алмисоқдан қолган йўриқларни қатъий ва изчил танқид остига олиб, ҳар қайси мамлакатда, даставвал, иқтисодий, молиявий аҳволни яхшилашга хизмат қилгувчи тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш керак, деганда республикамиз Президентини нечоғлик ҳам эканининг яна бир исботи эмасми?..

Мазкур мамлакатларда, шу-

барлари Кенгашининг ёпиқ мажлисида Россия шаънига жиддий танқидий фикрлар билдирилгани беҳиж эмас. Зеро, юқориде санаб ўтилган мажлисларда ва шу сингари Хамдўстлик доирасидаги бошқа тадбирларда, қўниҳа, Москва ўзининг «муайян сиёсати»ни ўтказишга сабъ-ҳарақат қилиб келмоқда. Шу туғайли, Хамдўстликка аъзо давлатларнинг ҳар қайсиеси биринчи гаьда ўз манфаатларидан келиб чиқиб, бундай тадбирларнинг баъзиларида иштирок этди, баъзиларида эса қатнашишни лозим топмади.

Дейлик, МДХ Парламентларо Ассамблеяси Кенгашига аъзо 9 та мамлакатнинг (Ўзбекистон, Украина ва Туркменистон мазкур тузилмага аъзо эмас) Беларусдан ташқари биронтасининг парламентлари раҳбарлари Ассамблея Кенгашининг 4 октябрь куни Санкт-Петербургда ўтган мажлисида қатнашмади. Бунини қарангки, ўша мажлисида МДХ давлатлари раҳбарларининг Кишинёвдаги учрашувига «1999 йилни А. С. Пушкин йили деб эълон қилиш тўғрисида» мувожаатнома муҳокама этилган экан. Албатта, бу ўринда гап Пушкин даҳоси тўғрисида эмас, балки Россиянинг империяпаствлик даъволари баъзан кўзга ташланиб қолаётгани ҳақида бормоқда.

Аёнки, Россияда ҳозирги вақтда кўплан-кўп оқимлар, турли хил сиёсий кучлар, алоҳида тузилмалар мавжуд. Бир томонда -- Ельцин Россияси, иккинчи томонда -- Зюганов Россияси, бошқа томонда -- бошқалар...

Шунинг баробарида, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликни танқид қилган ҳолда МДХ давлатлари, аввало, Россия билан сифат жиҳатидан янги муносабатларни ривожлантириш тарафдоридир. Инчунун, бутун Хамдўстлик доирасида ягона бир муҳитнинг шаклланиши Россиянинг МДХга аъзо ҳар бир давлат билан алоҳида муносабатларига боғлиқдир-ки, бунини эътироф этмаслик мумкин эмас.

Кишинёв музокаралида республикамиз Президентини бу борадаги нуқтаи назарини изҳор этар экан, Ўзбекистон МДХ доирасида фаолият кўрсатиш давомида, ана шу Хамдўстлик тузилмаси теграсида эришилган имкониятлардан (фойдаланаб, Россия, Украина ва бошқа давлатлар билан икки томонлама алоқаларни мустақамлаш йўлидан бораверди, деб таъкидлади.

МУСТАҚИЛЛИК ВА ИНТЕГРАЦИЯ


«Биз учун масаланинг моҳияти мустақиллик ёки интеграцияни танлаш эмас, балки бу икки йўналишни уйғунлаштиришдан иборатдир. Биз МДХни ҳақиқий мустақил, суверен давлатлар интеграцияси сифатида кўришни истарик», деб ёзди Ислон Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида. Кишинёв саммити шунини яна бир бор кўрсатдики, Хамдўстлик таркибидаги давлатлар интеграцияга қарши эмас ва аини чоғда, уларнинг биронтаси ўз мустақиллигидан ҳам айро тушмоқчи эмас. Учрашувнинг энг аҳамиятли эътирофи шу бўлдики, интеграция ҳаммамиз учун бирдек муҳим. Интеграция -- бу ҳамкорлик. Интеграция -- бу ўзаро кўмак. Лекин, ўз навбатида, Президентимиз ибораси билан айтганда, аравани отдан олдинга ҳам қўймаслик керак.

Музокаралида МДХга аъзо кўпгина давлатлар раҳбарлари томонидан билдирилган фикрлар юртбошимизнинг қарашларига ҳамоҳанглиги билан кўзга ташланди. Масалан, Президентлар Леонид Кучма ва Ҳайдар Алиевларнинг фикрига қараганда, «ҳар икки мамлакат раҳбарлари ҳам МДХ доирасидаги Беларусь ва Россия иттифоқини, шунингдек, «тўртлар» иттифоқини тан олмади. Озарбайжон раҳбарининг айтишиҳа, бу тахлит тузилмалар Хамдўстлик ичида вазиятнинг қалтисе тус олишига, ўзаро ишончсизликнинг пайдо бўлишига туртки беради. Грузия Президенти Эдуард Шевардидзе ҳам Хамдўстликнинг керакли ташкилот эканини тасдиқлаб, МДХ ўз таркибидаги давлатлар мустақиллигини, ҳудудий бутунлиги ва барқарорлигини мустақамлаш учун зарур барча имкониятларга эга экани ҳусусида ишонч билдирди.

ГАП ПУШКИНДА ЭМАС, АММО...

Кишинёв саммити арасида МДХ ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг мажлиси Москва шаҳрида, Хамдўстлик мамлакатлари ҳукумат бошлиқлари Кенгашининг мажлиси Бишкекда, шунингдек, Давлатларро иқтисодий қўмита Президиумининг йиғилиши Минскда бўлиб ўтди. Бундан ташқари, Ереванда МДХ доирасидаги ҳамкорлик ва қурилиш ишлари бўйича Кенгаш, Бокуда темир йўл транспорти бўйича Кенгаш, Москвада Мулоффа вазирлари Кенгаши, Кишинёвда Хавфсизлик ва махусе хизмат органлари раҳбарларининг Кенгаши мажлислар ўтказди.

Аммо, шунга қарамастан, Кишинёвда ўтган олий даражадаги учрашува биронта йқуний ҳужжат имзоланмади. Давлатлар раҳ-



Олмалик тоғ металлургия комбинати қошида қуруқларни бургулашдан олдин ишлатиладиган эмульсия моддалар ишлаб чиқарадиган янги бўлима ташкил топди. Канадалик ва америкалик ҳамкорлар ёрдамида янги технологик жиҳозлар, монтаж ва соғлаш қурилмалари ўрнатилмоқда. Барча ишлар компьютерлаштирилмоқда.

СУРАТДА: электрончи мутахассислар Сергей Никитин ва Олим Йўлдошхўжаевлар.

Р. НУРИДИНОВ (ЎЗА) тасвири.

ОЛГИРЛАРГА ОМОНЛИК ЙЎҚ ОҚСОҚ ҚЎЗИ ТУШДАН КЕЙИН МАЪРАЙДИ

Олчоқликнинг ранги қандай бўлади? Унинг кўриниши, туси, шакл-шамойили қай тарзда? Оқми, қорамми? Яшилми, нафармонми? Бозору савдо расталари, дўкон оромларини текшира туриб, солиқ ходимлари ана шу саволга жавоб излашди. Афсуски, тайинли жавоб топиша олмади.

Бешикдаги бола беш турланади, деганларидек, олчоқлик қиёфаси ҳам тез-тез ўзгариб турар экан. Сизу биз унинг қаршида лоғу ҳайрон тураверамиз, у ибн Ҳаттобдек бир юмалаб, шердан тулкига айланади, мусича бўла туриб қирғийдек чанг солади. Ҳам ҳўрлани, ҳам бурчдан урганни сезмайси ва баъзан ишингиз осон кўчганидан ташаққур ҳам билдирасиз. Қийнаётганлигини эшитганда раҳмингиз ҳам келади.

Аслида тирикчиликни тирриқчиликка айлантираётган бу шоввозлар раҳм-шафқатга мултоқло муносиб эмас. Айниқса, бу савдо тизимида ишляётган айрим ҳамелион тоифасидагилар ҳаётда тез-тез учрамоқда. Ваҳоланки бундай ҳодисалар ҳўкуматимиз аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш борасида жиддий сиёсат юритаётган бугунги кунда содир бўлмоқда. Дўконларга шакар, ун, ўсимлик ёғи, совун каби озиқ-овқат ва бошқа эҳтиёж моллари пешма-пеш етказилиб турилишига қарамасдан, айрим савдо ходимлари атайлаб тақчиллик вазиятини туздирмоқда. Бу турдаги моллар оромларда ёки сотувчининг қариндош-уруғлари уйда сақланмоқда.

Бекобод туманидаги «Бобур» савдо-ҳиссадорлик жамиятига қарашли дўконда (муdiri С. Алюбердиев) фонд бўйича ажратилган 8.23 тонна, яъни 243.1 минг сўмлик ун дўконга эмас, иккита ҳовлига бўлиб туширилган. Текширувчилар боришганда унинг 5.65 тоннасини сотиб улгуришганди. Олғирлар гайриқонуний савлодан 10.330 сум даромад қилишган. Айни пайтда бу иш билан туман прокуратураси ходимлари шуғулланишмоқда.

Ёки Пешку тумани «Педдуку» савдо ва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятига қарашли 24-дўкон сотувчиси Р. Ҳайитов 425 кг ун ва 115 кг ўсимлик ёғини пештахтага чиқармасдан, оромбда сақлаган. Бу олғирнинг устидан ҳам туман прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси бўйича жиноий иш кўзга тилган.

Новвой йиқилса, қўйнидан нон тушар. Дўкон сотувчиси йиқилса-чи? Бизнингча, айрим дўкондорларнинг қўни-қўнжидан хиёнат туқилади, гадойнинг саркаси, ёш тулқиннинг ризқи сочилиди. Мирзақўл тумани МКХЖ (матбулот кооперацияси ҳиссадорлик жамияти)га қарашли 23-дўкон сотувчиси Х. Усмонов, Зомин туманидаги МКХЖга қарашли 17-дўкон муdiri Н. Усмоновлов, Жиззах тумани Хайрбод МКХЖга қарашли 1-дўкон муdiri Б. Жуманов ҳам яқинда «оққилиб» кетди. Ҳар учаласининг қўйнидан минг сўмдан ортиқ «бировнинг ҳақи» сочлиб, хиёлотлада қолишди. Эндиги хиёлот эса уларга анча қимматга тушадиган бўлди.

Оқсоқ кўчи тушдан кейин маърайди, деганлари шу бўлса керак-да?

Эсирғап БОЛИЕВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ» ДА БОСИЛГАЧ...

«ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН ҲАМЁНИДАН АЙРИЛАР»

Сирдарё вилояти Сайхунобод туман ҳокимлиги шуни маълум қиладики, рўзномада чоп этилган мазкур танқидий мақола «Гулистон» деҳқон ҳўжаликлари бирлашмаси раҳбарияти, мутахассислари далачилик бригадалари бошлиқлари иштирокида шу йил 29 октябрь куни бўлиб ўтган йиғилишида кўриб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам, газетда «Гулистон» деҳқон ҳўжаликлари бирлашмасида пахтачиликни ривожлантириш барбод этиляётганлиги ўринли танқид қилинган.

Мазкур йиғилишда 1997 йил пахта ҳосилини тез кунларда нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш йўлида ҳўжалик раҳбарлари масъулиятини, мутахассисларнинг топирилган вазифага бўлган жавобгарлигини ошириш, ҳўжаликдаги мавжуд ишчи кучи ва техника воситаларини йиғим-теримга тўлиқ сафарбар этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Сайхунобод тумани ҳокимлиги.

Ғулом МИРЗО, халқро шарҳловчи.

ҚАРОР ВА ИЖРО

САНАЦИЯ... СЎНГГИ ИМКОНИЯТ

Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари билан шугулланувчи бошқармалар республикамизда амалга ошириладиган иқтисодий ислохотларнинг махсулидир. Улар қисқа вақт ичида иқтисодиётда ижобий ўзгаришларни таъминлаш борасида кўпгина ишларни рўёбга чиқардилар.

Хўш, корхоналар иқтисодий инквизициянинг илдизлари қаерда? Ночор корхоналар аҳволини қандай қилиб ўнглаш мумкин? Биз ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида иқтисодий ночор корхоналар ишлари кўмитаси Самарқанд вилоят бошқармасининг бошлиғи Уктам СИРОЖИДДИНОВга мурожаат қилдик.

— Хар бир давлат тараққиётининг дастлабки босқичида умумиқтисодий аҳволга салбий таъсир этадиган, қисқа қилиб айтганда, ўзини ўзи уйдурлаштирадиган корхоналарни сақлаб туришдан манфаатдор эмас. Шу боис бизнинг хизмат тизимимизга ана шундай корхоналар фаолиятини таҳлил этиб, бўлайдиганларини «синди» деб эътироф этиш, айримларига ўзини ўнглашга ёрдам бериш вазифаси юқлатилди. Бугунги кунда бошқармаимиз ҳисобидида 265 та ана шундай ҳужалик субъектлари рўйхатга олинган бўлиб, улар билан мунтазам равишда иш олиб бораёмиз.

Ана шундай аҳволни «Самарқандтранс» ҳиссалорлик бирлашмаси таркибидagi «УПТК» масъулияти чекланган жамият ва 128-автокорхона, Жомбойдаги 17-автокорхона, «Мевасабавотузумсаноат» уюшмаси тасарруфидagi бир қатор корхоналарда ҳам кўриш мумкин. Албатта, жамоани шундай ҳолатга олиб келган мутасадди раҳбарларга ҳуқуқ-тартибот идоралари тегишли баҳо бердилар. Бундан ташқари, корхонанинг иқтисодий таназзулга юз тутишига ва кўплаб кишиларнинг маошсиз, ишсиз қолишига сабабчи бўлгани учун, ҳар қандай раҳбар ўз виждони олдида ҳам жавоб бериши керак эмасми?

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, аксарият корхоналарда ночорлик сабаблари бир-бирига ўхшаш: кўп ҳолларда жамоа раҳбарлари ҳисоб-китоб масаласида уквсвализ қилади, бозор муносабатлари масъулиятини чуқур тушуниб етмайди. Корхоналар банкротлиги ва санацияси масалалари бўйича вилоят комиссиясининг навбатдаги йиғилишида қизгин мунозаралардан сўнг корхоналардан бештаси банкрот, деб эътироф этилди. Учасини тугатиш, саккизтасига эса ўз аҳволини соғломлаштириш учун муддатли санация чорасини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Сабаб?

Иқтисодий ночорликнинг яна бир жиҳати бор. Дейлик, Каттақўрғон шаҳридаги 2518-автожамланма ўз ҳамкорлари — буюртмачилари «ёрдамда» банкротлик ҳолатига тушиб қолди. Корхона раҳбарияти бир қатор ибратли ишларни амалга оширишга қарамасдан, молиявий аҳвол оғирлигича қолмоқда. Чунки асосий буюртмачилар — «Ўздекончиликсаноат», «Ўзавтойўл», «Фуқаросаноатқурилиш» корпорациялари тизимидаги корхоналар шу йилнинг биринчи ярмига қадар автожамланмага 15,8 миллион сўм қарзларини тўламади. Биргина Каттақўрғон йўллар бошқармаси муддати ўтиб кетган 6 миллион 317 минг сўм қарзини қайтарган эмас. Афтдан, айрим раҳбарлар «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунда ҳамкор корхонани қасдан, яъни ҳужжатларни қалбақлаштириш ёки уквсвализ билан банкротлик ҳолатига туширилгани учун тегишли жазолар белгиланганини унутган қўринадилар.

Ургут туманидаги «Тўқимачилик» ҳиссалорлик жамиятини олиб кўрайлик. Бу жамият 1996 йили 5 миллион 283 минг сўм, шу йилнинг ярмини эса 1 миллион 762 минг сўм зарар билан яқунлади. Дебиторлик қарзлари 7 миллион 873 минг сўмни ташкил этди. Сабаби, биринчидан, электр қуввати ва иссиқлик билан таъминловчи манбалар баҳоси ошган, иккинчидан, хом ашёни сақлайдиган технологиялар яроқсиз ҳолга келганлиги туфайли хом ашёнинг сифати бузилишига йўл қўйилган, учинчидан, ишчи-хизматчиларга етарли даражада меҳнат шарт-шароитлари яратиб берилмаган, мутахассис ва ишчилар малакасини ошириш устида қайғурилмаган. Туртинчидан эса, асосий воситалар эскириши даражаси 64 фоизга кўтарилган, ишлаб чиқилган маҳсулотлар таннархига нисбатан паст баҳода сотилган. Масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи 45,6 сўмга тўғри келган бўлса-да, у бозорда 25,3 сўмдан сотилган. Бундан ташқари, ички имкониятларни ишга солиш, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ҳисобига маҳсулот таннархини камайтириш ҳақида жиддий бош қотирилмаган.

Бошқармаимиз иқтисодий ночор корхоналарни аниқлаш билан бирга уларга амалий ёрдам кўрсатиш чораларини ҳам кўрмоқда. Бунда корхона раҳбарияти уквсвализгидан ташқари бошқа объектив сабаблар ҳам борки, биз уларни ҳал этишда кўмаклашмоқдамиз.

Шу ўринда яна бир муаммога тўхталиб ўтиш лозим. Табиийки, ночор корхоналар ўз қарзларини ундириш учун ҳужалик судига мурожаат қиладилар. Ҳужалик суди мазкур ишни фақат давлат бож тўланганидан кейингина кўриб чиқади. Минг афеуски, кўплаб ночор жамоалар ана шу тўловга ҳам имкон тополмапти. Масалан, 129-автокорхонанинг 40 миллион сўмлик дебиторлик қарзи мавжуд. Бунинг учун жамоа давлат бож тарихида 4 миллион сўм тўлаши керак. Синай деб турган жамоа раҳбари эса бундай масъулиятни ўз гаранига ололмаслиги аниқ. Шу боис назаримда, амалдаги ҳужалик-процессуал кодексда иқтисодий ночор корхоналар ишларини кўришда бож тўлаш масаласида тегишли имтиёзлар берилиши кўзда тутилмоғи лозим.

Шуни айтиш керакки, кейинги ойларида бошқармаимизнинг бевоисита аралашуви ва ёрдами туфайли ночор корхоналарнинг 63 миллион сўмлик дебиторлик қарзлари ундирил берилди. Уларнинг ишлатилмасдан, самарасиз ётган 87 миллион сўмлик бино ва иншоотлари эса кўчмас мулк биржасида сотувга қўйилди.

Дебиторлик қарзларини ундириш учун бирор-бир кескин чора кўрилмаган. Натигада корхонанинг айланма маблағлари қисқариб, жамият тўловга қобилиятсиз бўлиб қолган. Шу йилнинг бошида ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси 25 фоизга тушган, биринчи чорак охирига келиб, корхона фаолияти бутунлай тўхтаган.

Бизда катта корхоналарнинг самарасиз эканлиги кўриниб тура-да, нима учундир уларни сақлаб туриш каби зарарли қайфият мавжуд. Ваҳоланки, ривожланган мамлакатларда бундай корхоналарни ихчамлаштириш, ихтисослаштириш катта наф келтираётир. Негаки йirik корхоналарни тугатиб, ортқича асосий воситаларни сотиш ҳисобига айланма маблағларни кўпайтириш фойдали ҳисобланади.

Шу йилнинг биринчи ярмида бу ерда 9,4 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинишига қарамасдан, бор-йўғи 275 минг сўм фойда қўрилган. Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 15 фоизга тушган. Янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш, борларини бозор талаби асосида такомиллаштиришга эътибор берилмаган. Оқибатда йил бошидан буён 13 миллион сўмлик тайёр маҳсулот сотилмасдан турибди. Ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақидан 1 миллион 346 минг сўм қарзидир. Ачинарлиси, 1997 йилнинг ярмига кўра, дебиторлик қарзлари 6,3 миллион сўмни ташкил этган. Бироқ жамоа раҳбарлари муддати ўтган қарзларни ундириб олиш юзасидан ҳужалик судига даъво аризаси билан ҳақилгача мурожаат қилмаган.

Кўриниб турибдики, банкротлик илдизлари, энг аввало, жамоа раҳбарининг уквсвализи, уларнинг бозор муносабатларига ҳуқуқ олмаётганлиги, шу тизимда иқтисодий муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги натижасидир. Биз айнан шу камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрмоғимиз лозим.

Фармон ТОШЕВ
эъиб олди.



Бешариқ тумани Яккатут пахта қабул қилиш пункти ишчилари бу йилги мавсумга алоҳида тайёарлик билан келдилар. Бу ерда ишчилар учун барча шарт-шароитлар мавжуд.
СУРАТДА: Катта лаврантти Уғайло Умурзоқова.
Тоҳиржон ҲАМРОКУЛ олган сурат.

ДАЛА КУНДАЛИГИ

ФАЛЛА МУСТАҚИЛЛИГИ ЙЎЛИДА

ДЕҲҚОН ДАЛАСИДАН МАМНУН

Фалла экишни август ойида бошлаган Жиззах вилояти деҳқонлари бу борада республикада пешкадмлик қилмоқдалар.

Пахтакор туманидаги «Навбахор» деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси, Мирзачўл туманидаги Сегизбоев номли, Зарбдор туманидаги «Тараққиёт» ижара-ширкатлар бирлашмаси меҳнаткашлари фалла экилган майдонларда сентябрь ойи ичидаёқ яшил майсалар ундириб олишди.

Пахтакор туманидаги «Навбахор» деҳқон-фермер ҳўжаликлари уюшмаси, Мирзачўл туманидаги Сегизбоев номли, Зарбдор туманидаги «Тараққиёт» ижара-ширкатлар бирлашмаси меҳнаткашлари фалла экилган майдонларда сентябрь ойи ичидаёқ яшил майсалар ундириб олишди.

Вилоят ҳўкимининг қарори билан ҳар бир туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаларида, ҳар битта ҳўжаликда галлачилик бўйича раис ўринбосари вазифаси жорий этилди. Бутун йил давомида галлани экиш, парвариш, зараркунан-

даларга қарши кураш, ҳосилни йиғиб олишни назорат қилиш ва ташкиллаштириш учун ҳар бир туманга бир нафардан «Фалла» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси олимлари беришди. Бу албатта, ўз самарасини бермоқда. Мирзачўл тумани галлакорлари бултўрдон топшириш буюртмасини вилоятда биринчи бўлиб адо этгандилар. Бу йилги ҳаракат ҳам ёмон эмас. Экиш, сугориш ишлари жадал олиб бориляпти.

олтита агрегат билан 1800 гектар майдонга экиб бўлинган галлани тўлиқ ундириб олиш арафасида. Шу мақсадда пахта йиғим-терими авж палласига киришига қарамай галлазорларга сув таралаяпти. Асосий майдонларда яшил майсалар ер бетини қоплади.

— Бу йил Андижондан келтирилган, дориланган сара уруғ экидик, — дейди бирлашма раиси Ҳ. Мендибоев, — насиб қилса экин ривожга айтиб турибди, гектарлар ҳосилдорлиги бултўргидай ўттиз центнердан кам бўлмайди.

Ҳ.НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КўНГИЛДАН ЧИҚҚАН СЎЗ

БИЗ БУ КУНГА ИШОНГАН ЭДИК

Жисмоний тарбия ўқитувчиси. Мактаб ва гишт заводи директори. Пахта қабул қилиш манзили мудир. Жамоа ҳўжалиги бошқаруви ва хозирда ширкатлар уюшмасининг раиси. Яна бир маълумот. У нафақат Бобўт туманида, балки вилоятда ҳам энг кўп мактаб, боғча, шифохона, турар-жой бинолари, йўл ва ўйингоҳлар қурган ҳўжалик раҳбари ҳисобланади. Сўз Мирзачўлда энг катта хирмон -- 10,5 минг тонна пахта етиштириб довондан ошган «3-Бобўт» ширкатлар уюшмасининг раиси Султон Раҳмонқуловга:

— Кўпинча маррадан ўзган ҳўжалик раҳбарлари кўклами қийинчиликлар, ёз ташвишлари тўғрисида гапиргани яхши кўради. Мен шу анъанани бузмакчиман. Зотан, биз деҳқонларнинг вазифаси ҳар қандай шароитда ва ҳар қандай ташвишларни енгиб ўтиб, мўл-кўл ҳосил етиштиришидир. Ҳукуматимиз нимаки ёрдам за-

рур бўлса, барчасини муҳайё этмоқда. «Шу топда сизни кувонтирган нарса нима?» дея сўрасалар, мен даромад-ни, одамларнинг тегадиган тонна-тонна ўсимлик ёғини, одамларга тўқиладиган чорва озуқасини ва мана шу одамлар ҳалол, пешона тери билан толган маблағ эвазига қиладиган тўй-томошаларни гапирган бўлар эдим. Уюш-

мамизда 10 минг нафардан кўпроқ аҳоли истикомат қилади. Уларнинг деярли ҳаммаси ердан унадиган ризку насибага кўз тикиб туришибди. Даромад, даромад -- бу одамлар кўзига тик қараш, уларга тарқатиладиган катта мукофотлар, кўрсатиладиган моддий ёрдамлар, кишлоқларимизнинг янада ободон-

лашиши, кишилар қалбида уйғонадиган хотиржамликдир. Мустақилликни мустаҳкамлаш тўғрисида кўп гапиримиз. Мустақилликнинг томири эл-халқнинг фаровонлиги, одамларнинг кўнгли тўқлиги билан чамбарчас боғланиб кетган. Чаноқдаги пахта уқлардай енгиб, бола нафасиди майин ва ёқимли бўлгани билан унинг меҳнати жуда-жуда оғир. Маррадан ўзган кунимиз йил ўн икки ойи далада меҳнат қилган деҳқонларнинг юз-кўзларига қараб кўнглим тоғдай кўтарилиб кетди. Қўли қадок, қалби қайноқ бу инсонларнинг юрагидаги севинч, қалбларидаги ишонч Ўзбекистон дея аталмиш улкан қасрини мустаҳкам гиштла-

ридир. Султон Раҳмонқуловнинг йўл устида айтган ва айтолмаган кўнгли изҳорига битта изоҳ. Ёз адоғида «3-Бобўт» ширкатлар уюшмасидаги 1700 тонна пахта етиштириши лозим бўлган қолоқ ҳўжаликни кўшиб беришди. Ана шу ҳўжалик ерларидан олинган ҳосил 300 тоннага етмаганлигини айтсақ, воқеа янада равшанлашади. Сўнги гап. Султон Раҳмонқуловни юқоридagi эътирофларимиз билан кўкка чиқариб қўйгандек бўлдиқ. Аслида эса унинг феъл-атворида ўжарлик, гапидан қайтмаслиқ, баҳсга ўчлик каби кўринишлар етарли.

Агар раҳбардаги бир сўзлик, ўжарлик минглаб одамларни дастурхонларига тўқинлик, кўнглиларига хотиржамлик, эртанги кунларига ёруғлик олиб келса, бу ҳолни фақат табриклаш керак.

Сўхбатдош:
А. ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қорамўйин қишлоқ фуқаролар кенгаши раиси Йўлдош ака Шаманов томорқасида терак етиштирган қишлоқдошларининг енгли машина харид қилганлиги ҳақида гапириб берди. Жомбойда бу оддий ҳол саналади. Одамлар ёғочбоп теракзорлар барпо қилиб, иқтисодини мустаҳкамламоқдалар.

— Бизнинг қишлоқларда ёғочбоп терак эмаган хо-

ТЕРАКЗОРЛАР ШОВУЛЛАР ЭДИ

надонни кўрмайсиз, — дейди фахрланиб Йўлдош ака.

— Кейинги вақтда теракзорларни 50 гектарга кенгайтирдик. Бу ҳўжалигимиз иқтисодига жуда катта фойда келтираяпти.

Раиснинг айтишига қараганда, ҳўжаликда теракларни қайта ишлайдиган корхоналар иш бошлаган. Улар қурилиш материалларини тайёрлаб беради. Шунингдек, эшик, дераза, пол, болор, вассалар шу корхоналар орқали сотилаяпти. Айни пайтда аҳолини иш билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал бўлаяпти.

Ҳозирги кунда Зарафшон дарёси соҳилларида теракзорлар барпо қилишга киришилди. Бу ишга эса кенг жамоатчилик жалб этилаётгани мақтовга лойиқдир.

Пардабой ТОҶИБОВЕВ.

даволаш асослари акс эттирилган.

Офтальмологияда қўлланиладиган кўпчилик янги дори-дармонларнинг таъсири, ишлатилиш тартиби ва даври, тайёрланиш жараёнининг алоҳида боб сифатида киритилиши ҳам муҳимдир.

Энг муҳими, М. Ҳамидова ва З. Болтаевларнинг ушбу дарслиги ўзбек тилида ушбу соҳада яратилган илк зарурий китобдир.

Ф. БАХРИТДИНОВА,
11-ТошДавТИ
кўз касалликлари кафедраси мудир, доцент.

ASIAN DEVELOPMENT BANK
Uzbekistan Resident Mission

The Asian Development Bank is an international finance institution based in Manila, Philippines and established for the purpose of lending funds, promoting investments and providing technical assistance to developing countries and, generally, for fostering economic growth in the Asia-Pacific region. Its membership comprises 56 countries, 40 of which are from the Asia-Pacific region and 16 from Western Europe and North America.

The Bank proposes to establish an Uzbekistan Resident Mission (URM) located in Tashkent to assist the Bank's Headquarters in the implementation of projects and programs, in project processing, and in country programming and sector work. It will also coordinate Bank activities with other resident diplomatic and donor missions.

The URM seeks for its office in Tashkent highly qualified and experienced applicants for the following positions:

FINANCE/ADMINISTRATIVE OFFICER

Main Functions:

The incumbent will undertake a range of tasks relating to project implementation including preparation of progress reports, keeping track of the status of signing of Loan and Project Agreements, and signing of Technical Assistance Agreement Letters by the Government, and advising Bank missions and HQ on developments and actions to be taken. He/She will manage and perform a wide range of administrative and financial functions. He/She will be responsible, under the supervision of the Resident Representative (RR), for financial accounting and management of the URM, for general office administration, for personnel management and for other administrative tasks as assigned by the RR. The incumbent will implement these functions in accordance with the Bank's financial, personnel and administrative policy guidelines. The work of the finance/administration officer would be time-sensitive, and hence excellent time management skills will be required from the successful candidate.

Minimum Qualifications:

University degree or equivalent academic qualifications in economics and business administration. Professional training in financial management and accounting is necessary. At least seven years experience in work related to personnel, administrative and financial management. Proficiency in written and spoken English, and excellent computer skills are essential.

EXECUTIVE SECRETARY/ASSISTANT

Main Functions:

He/She will provide secretarial and administrative support to the Resident Representative, including typing and sending correspondence and reports, screening and routing incoming correspondence, drafting routine correspondence, making travel arrangements and organizing special meetings and staff meetings. He/She will also contribute substantially in the preparation of various reports for HQ on URM's activities. The incumbent will also assist in data collection for the preparation of reports and provide translation services as required by the Resident Representative.

Minimum Qualifications:

A University degree. Excellent computer skills including Microsoft Windows, Word and Excel for Windows. Five or more years secretarial experience some of which must be at a senior secretarial level in a reputable company/organization. Knowledge of ADB procedures would be an advantage. Fluency in spoken written English is essential.

Selected Candidates for the above posts will be offered a competitive salary with benefits. Application should include an application letter and an up-to-date Curriculum Vitae. Please address in a sealed envelop marked "Confidential" to:

Mr. C. London
Senior Personnel Officer
Human Resources Division
Asian Development Bank
P.O. Box 789, Manila, Philippines
Tel. (632) 632-44-90
Fax (632) 636-25-50
Email: glondon@mail.asiandevbank.org

All applications must reach the ADB Headquarters in Manila at the latest by 28 November 1997. Acknowledgements will only be sent to applicants meeting the requirements of the position.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

КўЗ КАСАЛЛИКЛАРИ ҲАҚИДА БИРИНЧИ КИТОБ

Қарангки, истиқлолгача тиббиётнинг кўпгина жабаҳаларида ўзбек тилида дарсликлар бўлмаган экан. Шу боис фанни талабаларга ўргатиш давомида катта қийинчиликларга дуч келинарди. Ахир, қишлоқдан келган талабаларнинг барчаси

ҳам рус тилини бинойдай билшимасди-да. М. Ҳамидова ва З. Болтаева томонидан яратилган ўзбек тилидаги «Кўз касалликлари» дарслиги содда ва раволиги сабабли тиббиёт олийгоҳи муаллим ва талабалари ҳаётида катта янгилик бўлди.

Дарсликда офтальмологиянинг асосий таркибий қисмлари акс эттирилган. Унинг бобларида кўриш аъзосининг клиник анатомия ва физиологияси ҳамда текширув услублари, кўзнинг асосий хасталиклари келиб чиқши, кечиши, ташхислаш ва

«ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

ЧЕМПИОН!!! Бу сўзнинг асл маъноси дунёдаги турли миллатлар тилида турлича талкин этилади. Мақсадга қаратилган туб тушунча эса хамиша бир хил: Чемпион -- голиб, чемпион -- барча рақибларини доғда қолдирган энгилмас баҳодир, чемпион -- энг зўр ва энг ашаддий спортчи, чемпион -муқаддас Ватан шавқати учун курашга чиққан марду-майдон. Унинг иродаси пўлатдан, ҳаёти чинакам жангу-жадалдан, қакшатқич ур-сурлардан, мағрурликнинг нашъу-номасидан иборат.

Зимдан эътибор қилсак, олдимизда ҳам, ортимизда ҳам чемпионлар саф-саф. Сехргар Америкадан Муҳаммад Али, Узо-о-оқ Кубадан Ароманда Мартен-ис, Россиядан Абаджан, Рибаклов, кўшни Қозғистондан Серик Қанақбаев, ўзимизникилардан Руфат Рискиев, Владимир Шинлар ўз даврида заминни ларзага солган. Орадан бир неча йиллар ўтган бўлса-да, улар иштирокидаги туртурчак ринг курашларини ҳалигача ички соғиниш билан эслаймиз.

Афсонавий Муҳаммад Али бўйи-бастидан қатъий назар, ҳар қандай рақибнинг бир ҳамла билан «жонини олар» эди. Ароманда Мартен-ис «душманларини» бир мушт билан кулатарди. Абаджан рақибини лапанглатиб бурчакка қисиб билан мухлисларини завқлантириб юборар эди. Рибаклов нуқул қочиб-қочиб уришга уста эди. Владимир Шин мард бўлиб майдонга тушар эди, Руфат эса бир қўли синган ҳолда жаҳон чемпиони бўлган эди.

Орадан йиллар ўтди. Дунёнинг нуфузли рингларидан янги номлар, янги нишонлар пайдо бўлди. Сурункасига давом этаётган вақт -- зарбаси кўкракка гурзидек ботади-ган, кўрошин- мушт чемпионларни қашф этди. Профессорналик шоҳасини забт этиш иштиёқида Холлифилд турт йиллик дахшатли қамқоз азобларидан сўнг илохий муштларига сўзсиз пугур этган Тайсоннинг йиртқичона юришларига чек қўйман деб, кулқоқ супрасидан айрилганлиги, хаваскорлар ўртасида бир марта ҳам дунёни теб-тара олганга оддийгина Артур Григоряниннинг профессороналлар ўртасида беш бор жаҳон чемпиониликка эришганлиги асримиш ниҳоятда завлорли бўлаётганлигидан огоҳ этади.

1997 йил. Будапешт. Октябрнинг сўнги ўн кунлигида мамлакатимиз аҳлининг йигирма уч йиллик орузси амалга ошди. Хаваскорлар рингида Руфат Рискиевдан кейин иккинчи бўлиб андижонлик Руслан Чагаев жаҳон чемпиони бўлди. Дунё рингининг зангламас Олтин медали Ўзбекистонга келтирилди. Бутун олам мардонавор элимизнинг давлат мадҳияси ила мағрур хилпиратган ўн икки юлдузли байроғимиз остида беш эгди!

Владимир Шин мураббийлигида ўн икки нафар «темир» муштан иборат терма командамиз Венгрияга учиб кетар экан, оғир вазндаги ишонган боксчимиз Руслан Чагаевнинг асосий зарба берадиган чап қўли жиддий жароҳатланганлиги и кўпчилик мутахассисларимизни бироз саросимага солиб турганлиги аниқ эди. Начора, рингга қикдингми, бас, шаклу-шамойилданган, каму-кўстидан қатъий назар, рақибдан меҳр-шафқат кутма. Бунда мурувват эмас, матонат, куч, муқаррар муштлашув ҳисобга олинади. Беаёв вақт Русланнинг буд-шудини назарга илмасдан, уни дунёнинг энг абжир, устаси фаранг, ўта тақрибли абоксчиларига рўпара қилди.

Биринчи жаҳон чемпиони бўлишдан олдин 19 ёши қаршилаган Руслан Чагаев Европа чемпионатининг бронза медали соҳибига белоруслик Сергей Дятковнинг қарши-

сида ҳеч гап эмас эди. Биринчи учрашувнинг дастлабки олти дақиқаси осонлик билан Сергейнинг фойдасига ҳал бўлди. Ушбу вазиятдан жиддий ташвишга тушиб қолган беш мураббий Владимир Шиннинг сўнги умиди олдинда турган турт дақиқадан эди. Хал қилувчи олти дақиқанинг бой берилгани мураббийлар шуурида галабага нисбатан ишонсизлик тугдира бошлади. Бироқ бу ҳали ҳаммаси тамом бўлди, дегани эмас. Имконият бемалол етарли. Тақрибли боксчиға галаба қилиш учун энг охириги бир сония ҳам кифой.



Чагаев -- Дятков бахшлашувининг охиригидек биз ўйлаганимиздек, истаганимиздек бўлди. Руслан Чагаев қолган турт дақиқа мобайнида аниқ-тиниқ ҳаракат қила бошлади. Беларусь вакили туртинчи раунднинг ўзида талвасага тушиб қолди. Учрашув тугаганда умумий ҳисоб 15:7 эди. Руслан жаҳон чемпионатидаги биринчи галабани қўлга киритди.

Иккинчи жаҳон чемпиони бўлишдан олдин 19 ёши қаршилаган Руслан Чагаев Европа чемпионатининг бронза медали соҳибига белоруслик Сергей Дятковнинг қарши-

Оғир вазни ринг полвонларининг иккинчи жағлиги. Уртада Гелвано Фрагумени (Италия) -- Руслан Чагаев (Ўзбекистон). Яна ҳис-ҳаяжон, кўрқув, ваҳима юракларга чангадек ботди. Яна тасодиф юз берармикан? Ҳа, шаклу-шамойилданган, каму-кўстидан қатъий назар, рақибдан меҳр-шафқат кутма. Бунда мурувват эмас, матонат, куч, муқаррар муштлашув ҳисобга олинади. Беаёв вақт Русланнинг буд-шудини назарга илмасдан, уни дунёнинг энг абжир, устаси фаранг, ўта тақрибли абоксчиларига рўпара қилди.

Ютақизига кўзи етганлар ўзин бошидан оқ ютақизани маъқул. Спортчи учун ярим финалда ёки финалда ютақизиб қўйишдан ёмон азоб йўқ. Олтин камарни белига боғлашга бир баҳя қолганда мағлуб бўлиш, одамни озмунча кийнамайди. Вакиллари-миз Шин, Размахов, Кучкоров (мураббийлар) ва Чагаев яна бир, ҳали ўйлаб қўрилмаган муаммага дуч келишди. Улар учун жиддий ҳавф ярим финалдаги рақиб Германиянинг кўпқара чемпиони Ханке Микнинг саҳти-сумбати эмас, балки Русланнинг асосий зарба берадиган чап қўлидаги оғир жароҳатнинг рақибга ошқор бўлганлиги эди. Хулоса -- Ханке Мик ҳамюртимизни чап томондан бемалол «олиб» қўйиши мумкин. Бирор чора топиш керак. Қандай бўлмасин ютиш лозим. Аммо рақиб ҳам анойилардан эмас. У

сездирмаслик учун вақтдан ютишга тушди. Унинг ўзини ўнглаб олиши учун ёлғиз мадақкори вақт, метин ирода эди. Фурат топди, иродасини тўплади. Энди йўқотадиган ҳеч нарса йўқ. Ханке Мик очколар ҳисобида олдинга ўтиб кетди.

Ишқибозлар, мутахассислар ярим финал Ханке Микнинг галабаси билан тугашини аниқ баёроқ қилишга киришдилар. Чунки унинг Руслан қайтар-ишга улгурмай қолган кучли мушти нафақат ушбу жаҳон тақдирини, балки ҳар қандай забардаст кишининг ҳам ҳаётини бутунлай издан қирайиб юбориши тушунарли масала эди. Лекин... Лекин қўтилмаганда рингдаги ҳолат юз фойз ўзгарди. Руслан Чагаев алам ва ўкинч ила рақибига кутурган шердек ташланди. Бундай ўзгаришдан, бундай абжирликдан талвасага тушиб қолган Мик сўнги 3-4 дақиқа орасида ўн бешдан



ортик аниқ муштлар таъсирида бутунлай гангиб қолди... Умумий ҳисоб -- 12:7. Фолиб -- Руслан Чагаев!

Финал йўлланмасини узил-кесил ҳал қилган ушбу курашув голибнинг хотирасида шундай муҳрлиб қолди: «Ханке Мик ҳақиқатдан ҳам ўзи таъкидлаганидек, чемпионат иштирокчилари орасида кубалик Феликс Савон билан рингга чиқишга ҳақли эди. Иккинчи раунддаги зарбасига бардош бериш жудаям қийин бўлди. Ростини айтганда, бундай тўқмоққа камданкам спортчи қидайди. Менга далла берган, ўзимни тутиб олишим учун туртки бўлган воқеа олдинда турган олтин медал эди. Шу жағда ютсам, Феликс Савонни ҳам енгимизга ишондим. Охириги раундларда ҳужумкорликка зўр бердим. Мураббийларим кўмағида муштлашув тактикасини бутунлай ўзгартирдим ва галабага эришдим. Лекин Ханке Мик ҳам зўр боксчи экан...»

Бу Русланнинг хотираси, холос. Хали бахслар тугаганича йўқ. Олдинда икки карра Олимпия чемпиони, беш бор жаҳон чемпиони, икки метрлик Феликс Савон кутиб турибди. Хал қилувчи жаҳон эди бошлади. Ахир зўрдан-зўр, кучлидан-кучли кўп дунёда. Феликс Савон яқинда 30 ёшга тўлганди. Финалгача у швейцариялик Турксонни 4:2, россиялик Каханнини 25:4, канадалик Симонсини 15:4, даниялик Томсонни соф нокаут билан мағлубиятга учратган эди.

Савонни бутун дунё билди. У иккинчи Тайсон номи билан машҳур. Шу кунга қадар 369 бор рингга чиқиб, 358 марта голиб бўлган. Руслан Чагаевнинг қўрсаткичлари эса ҳали ваҳима қиладиган даражада эмас: ёши ўн тўққизда. 1991 йилдан бошлаб бокс билан шуғулланади. 1996 йил Ўзбекистон чемпионлигига эришган, 1995 йил Осиё чемпионлигини қўлга киритган, ёшлар ўртасида ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашган. Ушбу ҳолатни тўлиқ тушуниб етган Ханке Мик ҳамояни ҳам унутиб, рақибни бир йўла қулатиш учун кетма-кет қўшима зарбалар еғдирди. Руслан... Руслан-а-а-а... Бизнинг Руслан мағлубият муқаррарлигини сездди. Зарба жан-жонидан, ўтиб кетганлигини реферига

галабаси туфайли Будапештда унинг тарафқаш-лар, мухлислари бироз кўпайганди, холос.



Финал

Яна бахшлашиш, яна жаҳон. Энг ёмони, Савоннинг тақрибаси кўп, жаҳли, ҳамласи чатоқ. Ундан ҳам ёмони, чап қўл жароҳати унга ҳам маълум. Эски дардинг янги азоби ҳаммасидан баттар ёмон. Финал. Удабурон рақибга ташна чемпион -- Савонга рўпара бўлишдан олдин Руслан яна бир эмас, шетма-кет иккита оғриқни қирқадиган укол олишга мажбур бўлди.

Феликс Савон кўлоқ ёзиб ҳамирдек қўпчиб турган рақибини гоҳ у бурчакка, гоҳ бу бурчакка сиқиб бо-риш билан учрашув бошланди. Дастлабки ҳужумларидан керакли очколарни йиғишга тушди. Чагаев унинг нозикроқ ва бўшроқ томонларини излаш билан овора.

Зўриқиш... Ваҳима... Ҳамла... Зарб... Оғриқ... Умид... Устунлик... Яна зарб... Нокдаун... Ким?... Хали енгиллиб улгурмаган, енгиллиб қўлмаган, енгиллиб аламларига бардош беролмайдиган Феликс Савон аста-секин совий бошлади. Руслан ўзига нисбатан илохий, рухий ишонч, дадиллик ҳосил қилди. Кескин ҳаракатга ўтди. Бокс ишқибозлари оёққа қалқди. Чагаев мадад бера бошлади. Владимир Шин тишини-тишига босди. Секундлар Александр Размахов, Марк Кучкоровлар кўзларини чирт юмди. Руслан яна олға ташланди. ...Бир... Икки... Уч... Турт. Энг охириги куч, энг охириги имконият, энг охириги ҳисоб-китоби... Табло... 14:4... Руслан... Феликс... Галаба... Олтин Галаба... Ўзбекистон Республикаси вакили Руслан Чагаев -- жаҳон чемпиони!

Кўз ўнгимизда кўна тарих яна бир тасвирланди. Руфат Рискиевнинг 1974 йилдаги чемпионлик жанглири, Владимир Шиннинг 1979 йил жаҳон кубогини қўлга киритган пайдаги қувонч ёшлари, Ҳикматилло Аҳмедовнинг 1993 йил жаҳон чемпионатидаги қумуш медалининг ранг-баранг кирралари, Дилшод Еркебоқнинг бронзаси, Наримон Отваннинг мамлакатимизга жаҳон кубогини иккинчи марта олиб келиши, ҳамма-ҳаммаси ҳисоб-китоб қилинди. Бу ютуқлар қаторидан Руслан Чагаевнинг ҳам улкан муваффақияти -- олтин медали, олмас қамари ҳам муносиб ўрин олди. Юрт байроғи дунё рингида яна бир марта мағрур хилпирарди. Мажор халқи Руслан Чагаевни, бутун Ўзбекистон вакиллари тик оёқда ярим соат мобайнида тинимсиз қарсақлар билан олқишлаб турди.

Ушбу чемпионатда нафақат Руслан, балки терма командамизнинг бошқа аъзолари ҳам дуруст қатнашди. Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ўтказилган навбатдаги жаҳон чемпионатида мамлакатимизга умумий ҳисобда 5-ўринни эгаллаш насиб этди. Йигитларимиздан тўрттаси 1/4 финалда қатнашди. Мамлакатимиз боксчиларининг шахсий натижалари ҳам, умумий кўрсаткичлари ҳам юртга фақат шўхрат келтирди. Ўзбекистон ушбу чемпионатда қатнашган 64 давлат ичидан ўзига хос ўйин кўрсатди. АҚШ, Германия, Франция, Испания, Швеция, Чехия, Словакия, Дания, Канада, Болгария, Италия сингари ривожланган, мустаҳкам мамлакатлар биздан орта қолди.

Халқаро ринг учрашувларида 20 марта курашга чиқиб, шундан 16 жангини галаба билан тугаллаган ҳамюртимиз 1997 йил Октябр ойида Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашиб, олтин медал билан тақдирланди. Хукуматимиз Русланнинг рингдаги ютуқларини муносиб муқофотлаб «Нексия» автомобили, 10.000 АҚШ доллари, 3 хонадан иборат квартира (Андижон шаҳрида) ажратди. «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишонни берилди.

Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ДУНИ ДАРАКТАРИ

11 НОЯБРЬ -- ПОЛЬША РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИ КУНИ

ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ

Польша Марказий Европада жойлашган йирик ривожланиб келаётган давлатлардан ҳисобланади. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик, балиқчилик анча ривожланган, фойдали қазилма конлари кўп. Теманг, табиий газ, туз, кўмир, мис, олтингургурт конлари ана шулар жумласидандир. У йилига 138 миллион тонна тошкўмир қазиб чиқаради. Польша олтингургурт экспорти бўйича жаҳонда етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Мамлакат иқтисодиёти 1992-93 йилларда кўтарила бошлади. Бунда экспортни ривожлантириш муҳим ўрин тутмоқда. У Сўнги йилларда мамлакатда иқтисодий ўсиш билан бирга, ишсизлик ва инфляциянинг кескин камайиши ҳам кузатилаётир. У Польша ўз иқтисодиётига хорийжи сармояларни жалб этиш бўйича Марказий Европада Венгриядан кейин иккинчи ўринда туради. 1990-1995 йилларда жалб этилган хорийжи сармоялар ҳажми 6,8 миллиард АҚШ долларини ташкил

этди. Ўзбекистон билан Польшанинг савдо-иқтисодий ҳамкорлиги хусусида алоҳида тўхталиш зарур. У биздан энг кўп пахта сотиб олаётган мамлакатлардан биридир. Шунингдек, у Ўзбекистон иқтисодиётига кўплаб сармоя сарфлаётир. 1997 йилнинг дастлабки тўққиз ойида икки мамлакат ўртасидаги маҳсулот айрибошлаш ҳажми 110 миллион доллардан ошиб кетди. Бир қатор Польша фирма ва компаниялари Тошкентда, Наманган ва Фарғонада ўз ваколатхоналари ва корхо-

наларини очган. Жумладан, республикаимизда Польшанинг «Будимекс», «Ширковиц», «Вифама», «Полинекс», «Пезетел», «Электрин» каби фирма ва компаниялари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бу фирмалар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари, уй жиҳозлари, кимё маҳсулотлари, турли технологиялар ишлаб чиқаришга иxtисослашган.

Мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш йўлида кўп ишлар қилинмоқда. У қунларда Ўзбекистон ва Польша ҳукуматларининг кўшма комиссияси ташкил этилади. Мазкур комиссия мамлакатларимизнинг савдо-иқтисодий муносабатларини ривожлантириш, ҳамкорликни кенгайтириш масалалари билан шуғулланиб, алоқаларимизни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Хайрулло НУРИДИНОВ, «Халқ сўзи» газетасининг жамоатчи шарҳловчиси.

БОЛТИКБЎЙИ ДАВЛАТЛАРИНИНГ НИЯТИ

Болтиқбўйидаги уч давлат -- Литва, Латвия ва Эстония Россия билан ўзаро муносабатлари яхшилаиб бораётганидан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Россия ушбу давлатлар хавфсизлигини кафолатлашга ваъда берган эди. Бироқ бу давлатлар ўз хавфсизликларини кафолатини НАТО ва Европа Иттифоқи орқали амалга ошириш ниятида эканликларини билдирди.

САМОЛЁТЛАРНИ АҚШ СОТИБ ОЛАДИ

АҚШ мудофаа вазири Уильям Коэн бортида атом бомбасини ташишга қодир бўлган МИГ-29 қирувчи самолётлардан

21 тасини Молдовадан сотиб олиш ҳақида икки давлат ўртасида битим имзоланганлигини билдирди. Икки томонлама ишончли мустаҳкамлаш ва бу самолётлар атом бомбасини яратишга интилаётган бошқа давлатлар қўлига тушиб қолмаслиги учун худди шундай қадам қўйганлиги маълум қилинди.

ҲУКУМАТ ЯНГИ ПОЙТАХТГА КЎЧДИ

Қуни кеча Қозғистон ҳукумати Алма-тидан янги пойтахт -- Оқмолага кўчиб ўтди. Президент Н. Назарбоевнинг янги қароргоҳи узра Қозғистон Республикаси байроғи кўтарилиди. 1997 йил 10 декабрдан Оқмола янги пойтахт сифатида расман эълон қилинади. Янги пойтахтга кўчиш билан боғлиқ тантаналар эса келгуси йилнинг июнь ойида ўтказилади.

«ПГС» ФИРМАСИ ТАКЛИФ ЭТАДИ КИЧИК НОВВОЙХОНАЛАР (4 ХИЛДАГИ), САУНА УЧУН УСКУНАЛАР, САНОАТ ЭЛЕКТРОПЛИТАЛАРИ, ГРИЛЬ, ХОТ-ДОГ УЧУН МОСЛАМАЛАР. Тел: (3712) 79-14-29, 79-38-54. «С. Раҳимов» метро бекати.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ АПЗОН

Ўзбекистон Геология, кўмир, нефть ва газ саноати ходимлари қасаба уюшмасининг марказий қўмитаси «Давоттехназорат» қўмитаси раиси Ақром Аҳмадбоевнинг рафиқиси ХАЛИМА ОШИНИНГ вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Утефелтажрибичиқариш» давлат-акционерлик бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон Республикасини «Давоттехназорат» қўмитаси раиси Ақром Аҳмадбоевнинг рафиқиси ХАЛИМА АХМАДБОВЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма 1 -- 0747, 33.805 нусхада босилди, ҳажми -- 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғист бичими А-2 Газета ИВМ компьютерида терилди ва операторлар Рустан АЗИМОВ ва Иван РЕШАНОВ томонидан саҳифаланди.

С МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир -- Э. Болшев. Ниябгачи -- К. Норқойил. Мусоҳах -- И. Турсунова.

ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР: Парламент 133-57-34; Хўж ва қўқуқчилик 136-07-94; Иқтисодиёт 136-36-65; Маънавият 136-35-60, 132-10-65; Хатлар 136-29-89, 133-07-48; Фан, тиббиёт, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08; Халқаро ҳаёт 132-11-15; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.